

Лазизахон Аббасовна АЛИДЖАНОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш UNESCO кафедраси ўқитувчиси

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ КАДРИЯТЛАР

ЗНАЧЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ВСЕОБЩИХ ЦЕННОСТЕЙ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ

THE IMPORTANCE OF NATIONAL AND UNIVERSAL VALUES IN THE EDUCATION OF YOUTH

Аннотация: Ҳар бир миллат учун муҳим аҳамият касб этган, этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ бўлган миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаши тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди. Зеро, миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир.

Калит сўзлар: маънавият, маърифат, глобаллашув, дин, маданият, адабиёт, санъат, ахлоқ.

Аннотация: Национальные ценности, важные для каждого народа, связанные с этническим аспектом и особенностями, проявляются в государстве, неразрывно связанном с историей, образом жизни, духовностью и культурой народа. В связи с обретением независимости Узбекистаном возросло внимание к национальным ценностям. Ведь национальные ценности - это одна из духовных основ, укрепляющих независимость нашей страны.

Ключевые слова: духовность, просвещение, глобализация, религия, культура, литература, искусство, этика.

Abstract: It is known that national values that are important for every people, associated with the ethnic aspect and characteristics, are manifested in the state, which is inextricably linked with the history, lifestyle, spirituality, and culture of the people. In connection with gaining independence, Uzbekistan has increased attention to national values. After all, national values are one of the spiritual foundations that strengthen the independence of our country.

Key words: spirituality, enlightenment, globalization, religion, culture, literature, art, ethics.

Бугунги ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви кузатилаётган глобаллашув даврида миллий ҳаётни диндан ташқарида тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Чунки дин кишилар турмушининг турли соҳаларига кириб бориб, маданияти, урф-одатлари, анъаналарига сингиб кетади. Бундай уйғунлашув натижасида баъзан миллий қадриятларни диний қадриятлардан ажратиб олиш мушкул.

Маълумки, дин инсон ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга. Хусусан, ёшларда соғлом эътиқодни шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш масалаларини таҳлил қилишда ислом динининг ўрни бекиес. Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир [И.А.Каримов, 2008]. Шу билан бирга, яна Президентимизнинг қуйидаги фикрларини ҳам эслаш ўринли: дин биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий ҳулқ-атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; тўртинчидан, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

Замонавий воқелик динга, диндорларнинг ҳис-туйғуларига чуқур ҳурмат, айни пайтда, сохта диндорлар, турли диний-мафкуравий таълимотлар, йўналишларнинг ғаразли мақсадларига қарши мунтазам ва изчил кураш олиб боришни тақозо этмоқда. Шундагина, эл-юрт тичлиги, ижтимоий тараққиёт таъминланади, дин маънавиятимиз юксалишига, кишиларимиз онгида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи устуворлигини таъминлаш, моддий фаровонликка интилиш шароитида поклик, диёнатлилик, ўзгалар ҳақида хиёнат қилмаслик каби фазилатларнинг турмуш ва тафаккур тарзининг узвий қисмига

айлантиришга хизмат қилади [А.Очилдиев, 2010].

Ислом таълимотининг миллий тарбия тизимига кўрсатган ижобий таъсири, шу жумладан, Қуръони карим ва ҳадислардаги ота-она, фарзандлик бурчи, ватанпарварлик ғояларини талқини катта педагогик аҳамият касб этади. Мазкур дин таълимотининг асосий манбаларидан бири бўлган ҳадислар инсонни комилликка элтувчи, уни эзгу, савоб ишларга даъват этувчи бой маънавий-маърифий хазина ҳисобланади.

Ҳадисларда биродарлик, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда бурчлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат, тўғрисиўзлик, шукроналик, ростгўйлик, инсоф каби инсоний фазилатлар тарғиб қилинади. Шу билан бир қаторда разолат, кибр-ухаво, адоват, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, фисқ-у фасод, зулм, ўғрилиқ, зинокорлик, порахўрлик, товламачилик каби иллатлар қораланади. Масалан: “Бизга яхшилик қилишса, биз ҳам яхшилик қиламиз, бизга зулм қилишса, биз ҳам зулм қиламиз”, дейдиган пасткаш бўлманг. Қалбингизни сизга яхшилик қилганга албатта яхшилик қилишга, ёмонлик қилганга эса ёмонлик қилмасликка ўргатинг”, “Ҳалимлик ва илм бир-бирини тўлдиргани каби, дунёда ҳеч нарса бир-бирини бунчалик беэмайдир”.

Инсоннинг инсонлиги, ўзлиги ва борлигини намоён этувчи ҳодисалар ичида маърифат алоҳида ва ўзига хос ўрин эгаллайди. У барча даврларда инсон онгу тафаккури, ҳуқуқ фаолиятининг асоси сифатида қалбини нурга тўлдириб, ҳаёт йўлини ойдинлаштиришга, кучига-куч кўшиб, турмуш машаққатларини енгиб ўтишга хизмат қилади. Ҳадисларда илм олишга катта урғу берилади. Жумладан, Имом Доримий ривоят қилган ҳадисда: “Довуд пайғамбар шундай деганлар: Илм соҳибига айт, бир темир ҳасса ва темирдан бир жуфт қавушни кийсин ҳамда ҳасса сингунча, қавуши тешилгунга қадар илм ўргансин!” [Абдурахмон Доримий, 2011].

Ўзбек халқи босиб ўтган йўлга нигоҳ ташланса, фан, маданият, маънавият, адабиёт, санъат, ахлоқ каби ўнлаб соҳаларда яратилган ўлмас асарлари, ижодлари билан инсоният маънавиятининг бугунги қиёфаси шаклланишига кучли таъсир кўрсатган буюк даҳоларга бойлигини кўриш мумкин. Агар

инсоният тарихи бундай қомусий билим, юксак ахлоқ ва маънавиятга эга бўлган, маърифат ривожини йўлида беқиёс кучли ирода ва шижоат намоён этган алломаларга унчалик бой эмаслиги эътиборга олинса, бугунги ёшлар боболаримизнинг улуғ инсонлар бўлганига ва Президентимиз таъбири билан айтганда “Аллоҳнинг назари тушган юрт” фарзандлари, буюк аждодлар вориси эканимизга яна бир марта ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ислом маданияти, хусусан, тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф, калом илмлари ривожига беназир ҳисса қўшган алломалар қаторида Абу Лайс Самарқандий, Абул Баракот Насафий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Бурҳонуддин Марғиноний, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Абул Муъийн Насафий каби аждодларимизнинг номлари борлигини ҳам алоҳида фахр ва ифтихор билан қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли балоказодек тарқалиб бораётган бундай ҳуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда. Улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибодат ва ифрат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъномазмунини ташкил этади.

Муайян шароитларда шаклланган қадриятлар маҳаллий, миллий, минтақавий шакллар ва умуминсоний шакл ва мазмунда мавжуд бўлади. Маҳаллий қадриятларнинг энг етуқлари ва миллий манфаатларга мослари аста-секин сараланиб, умуммиллий даражага кўтарилади. Даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан такомиллашиб, ривожланиб, тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи ва камол топтирувчи

умуминсоний ва миллий қадриятлар узвий боғлиқ ва таъсирлашувда ўзаро бойиб боради. Умуминсоний аҳамият касб этган миллий қадриятлар барча халқлар учун муҳим қадриятга айланади. Шу жиҳатдан умуминсоний қадриятлар миллий қадриятлардан мазмунан кенгдир, келиб чиқиши бўйича барча одамзотга тегишлидир. Ҳеч бир миллатнинг бошқа халқлардан ажралган ҳолда ривожлана олмаслиги, айниқса, ҳозирги даврда бирор халқнинг якка ўзи жаҳон цивилизациясидан алоҳида ҳолда тараққий этмаслиги маълум.

Динга нисбатан соғлом муносабатни шакллантириш бугунги кунда таълим тизимининг барча бўғинлари олдида турган энг мураккаб ва муҳим вазифалардан биридир. Ушбу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши икки муҳим омилга боғлиқ: "...ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин. Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасидаги мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак". Демак, динлар ҳақидаги мантикий асосланган билимларни шакллантириш ва дунёвийлик тушунчасини чуқурлаштириб бориш ёшларда динга нисбатан соғлом муносабатни шакллантиришнинг икки кутби ҳисобланади.

Ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви кузатилаётган шароитида инсон маънавиятига қарши қаратилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Диний-экстремистик ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ташвиқотлар эса ёшларнинг сохта ғояга алданиб қолиши, юрт равнақи йўлидаги фаолиятдан чалғиши, жамиятдаги маънавий-руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, диний-экстремистик ташкилотлар фаолияти, шунингдек, мусулмон бўлмаган мамлакатлар аҳолиси ўртасида исломни "ёвузлик салтанати" ва таҳдид манбаи сифатида қабул қилинишига, "исломофобия"нинг турли кўринишлари пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда [L.Alidjanova, 2019].

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Ҳозирда ахборот маконининг муҳим бўғини бўлган, ёшларнинг ҳаётининг ажралмас қисмига айланган интернет орқали ҳам турли таҳдидлар кузатилмоқда. Хусусан, айрим интернет сайтлари, бир томондан, террорчилик ташкилотининг фаол аъзоларига, иккинчи томондан, террорчиларнинг асл мақсад муддаоларини билмайдиган, уларни "курашчилар", "оппозиция" ва шу каби ижобий мақом ҳамда сифатда қабул қилишга ўрганган одамларга мўлжалланган бўлади. Улардан жамиятда тегишли ижтимоий фикрни шакллантириш ва қарама-қарши (душман) томонга психологик таъсир кўрсатиш, кўрқув, ваҳима тарқатиш орқали ички иккиланишни келтириб чиқаришдек мақсадлар кўзланади.

Ёш авлод маънавий оламнинг дахлсизлигини асраш учун уларни доимо сергакликка, огоҳликка ва ҳушёрликка чақириш, бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин [И.А.Каримов, 2008].

Илм инсоннинг ҳаёт сўқмоқларида адашмаслиги, ўз умрини оқилона ташкил этиши учун асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда илм-фаннинг ривожланиши натижасида узоқ йиллар давомида жумбоқ бўлиб келган ҳодисалар ўз жавобини топаётгани, инсоннинг яшаши учун қулайликларнинг кўпайиб, жамият тараққиётининг тезлашаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ислом дини ҳам инсон манфаатлари ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай кашфиёт ва янгиликларни қадрлаган [Alimova, Qalandarova, Alimjonova, 2020]. Аммо мутаассиб гуруҳлар исломнинг ички диний барқарорлик ва яқдилликни таъминлашга хизмат қиладиган ўзгармас диний арконларига қўшимчалар қўшишга қаратилган янгилик – бидъатни рад этадиган тамойилини ғаразли мақсадларда талқин қилиб, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётни ҳам, унга хизмат қиладиган илм-фан

кашфиётларини ҳам бидъат, деб баҳоламоқда. Хусусан, уларнинг фикрича, бугунги илмий кашфиётлар, фан тараққиёти ютуқлари бўлган радио, телевидение, компьютер технологиялари бидъат, улардан фойдаланиш эса, гуноҳ ҳисобланади. Мутаассиб кучларнинг иддаоларига кўра, хотин-қизларнинг илм олиши шарт эмас, уларнинг жамият ишларидаги фаолияти эса ҳаром эмиш [А.Очилдиев, Ж.Алиев, А.Аҳмедов, 2010]. Ваҳоланки, “Пайғамбар (с.а.в.): “Илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслимага фарздор”, деганлар (Ибн Можа ривояти).

Ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш борасида янада кўпроқ амалий ишларни кучайтириш зарур. Токи улар миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишиши, жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ва бегона ғоялар уларни ўз таъсирини ўтказа олмаслиги лозим [Alimova, 2019].

Ҳар бир миллатнинг мавқеи унинг инсоният тараққиётига қўшаётган ҳиссаси билан ўлчанади. Миллий ва умуминсоний кадриятларни қарама-қарши қўйиш миллий худбинлик ёки халқаро низоларга олиб келиши, натижада, бутун инсоният цивилизацияси ривожига тўсиқ бўлиши муқаррар. Шунинг учун умуминсоний аҳамият касб этган кадриятларни қаерда ва қачон шаклланган, қандай миллат вакиллари яратганидан қатъи-назар эҳтиром билан тан олиш ҳамда қабул этиш тараққиётга хизмат қилади. Мустақил республикамизда миллий ва умуминсоний кадриятлар муштараклигига, халқимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан бирга ривожланиш йўлидан боришига алоҳида эътибор берилаётгани ҳам шундан.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Ҳидоят ортига яширинган залолат / Муаллиф ва тузувчилар: А.Очилдиев, Ж.Алиев, А.Аҳмедов ва бошқалар. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010

3. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Самарқандий Доримий. Сунани Доримий. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011
4. Очилдиев А. Маданият фалсафаси. – Т.: Мухаррир, 2010
5. Alimova, M. F., Qalandarova, D. U., & Alimjonova, L. (2020). CONTEMPORARY ISSUES OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN. Solid State Technology, 63(6), 265-272.
6. Alimova, Makhfuza (2019) “ACTUAL DEVELOPMENT TRENDS OF RELIGIOUS STUDIES IN UZBEKISTAN,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 42. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/42>
7. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96>
8. Yovkoshev, Sh. (2018). ISLAM IN UZBEKISTAN: THE HISTORY AND MODERNITY. The Light of Islam, 2018(1), 2.